

“Ипотека-банк” АТИБ  
Кузатув кенгаши томонидан  
МАЪҚУЛЛАНГАН  
(2016 йил 21 ноябрдаги  
73-сонли баён)

“Ипотека-банк” АТИБ  
Акциядорлари умумий  
йиғилишининг қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН  
(2016 йил 5 декабрдаги  
23-сонли баён)

**Корпоратив бошқарув кодексининг “Ипотека-банк” АТИБ томонидан  
қабул қилиниши имконияти бўлмаган тавсиялари ва  
уларни қабул қила олмаслик бўйича банкнинг  
ТУШУНТИРИШЛАРИ**

**Кодекс тавсияси:** Акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш имонияти ва шароитини яратиш

**Тушунтириш:** Бугунги кунда техник жиҳатдан ҳар бир акциядор электрон рақамли имзога эга бўлиши ва бир вақтнинг ўзида барча ҳудудлар билан видеоконференц-алоқа ўтказиш имконияти чегаралангандиги сабабли, акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун банк электрон почта орқали, шунингдек, умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказа олмайди. Аммо ҳар бир акциядор ўз ваколатини қонунчиликда белгиланган тартибда вакилига бериш йўли билан овоз бериши мумкин.

**Кодекс тавсияси:** Уставда қўшимча акциялар чиқарилган ҳолатда акциядорлар устав капиталидаги улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш хукуқини назарда тутиш

**Тушунтириш:** Банкда акцияларнинг қўшимча чиқарилуви амалга оширилганда нафакат акциядорларга, балки инвесторларга ҳам бир хил имконият яратиб бериш мақсадида, акциядорларга акцияларни имтиёзли сотиб олиш хукуқи берилмайди.